



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Ўзбекистон тумани ҳудудидаги “Ўзбекистон” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Ўзбекистон тумани ҳудудида жойлашган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини 32.48 м³/сутка ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** Мингтут МФЙ ҳудудидаги кичик саноат зонаси учун қурилиши режалаштирилган ичимлик сув иншоотидан лойиха асосида тармоқ тортиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ичимлик сув тизимлари қурилсин.

Оқава сув бўйича

Ўзбекистон тумани ҳудудида жойлашган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини оқава сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** Мингтут МФЙ ҳудудида кичик саноат зонаси учун қурилиши режалаштирилган оқава сув иншоотига лойиха асосида оқава сув тармоғи тортиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ичимлик сув тизимлари қурилсин.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу

лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

Бош муҳандиси:

И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

ИЧБ бошлиғи:

С.Абдуллаев

